

ВЕСТИ ПЛЮС ВОҚИФ

2021 йил 14 январь,
жума № 01 (98)

e-mail: afton@inbox.uz

Ижтимоий-ҳуқуқий,
маданий-оммабон нашр

VESTI plus VOQIF



**АТБ "МИКРОКРЕДИТБАНК" КИТОБ
ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
2022 йил «Инсон қадрини улуғлаш ва
фаол маҳалла йили» билан ҳамда
14 январь – ВАТАН
ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
билан муборакбод этади.**




Филиал бошқарувчиси К.ТУРМАНОВ



**АТБ "АГРОБАНК" ШАҲРИСАБЗ
ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
2022 йил «Инсон қадрини улуғлаш
ва фаол маҳалла йили»
билан ҳамда**



**14 январь-ВАТАН
ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
билан муборакбод этади.**



**Xumoyun HUSANOV,
Shahrisabz
"Temurbeklar maktabi"
harbiy-akademik litseyi
II bosqich o'quvchisi
VATAN
HIMOYACHILARIGA**

Ko'zlarida porlar so'nmas bir olov,
Vatan uchun ko'ksin qalqon
qilganlar.
Aslo sizni yenga olmas dushman
yov,
Tinchlikni deb doim tinmay
yelmanlar.

Chegarada, postda turgan askarsiz,
Kimdir uchun ota yoki ukasiz,
Qo'lingizda qurol jangga shay
o'g'lon,
Yurakda-chi, Vatan ruhi sharafshon.



**"ЎЗМИЛЛИЙБАНК" АЖ
ШАҲРИСАБЗ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
2022 йил «Инсон қадрини улуғлаш
ва фаол маҳалла йили»
билан ҳамда**



**14 январь – ВАТАН
ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
билан муборакбод этади.**

SALOHİYAT, IJODIY MUHIT BOR – FAQAT BUNDAN UNUMLI FOYDALANISH ZARUR

Toshkent kimyo-texnologiya instituti Shahrisabz filialida shahardagi umumta'lim maktablarida faoliyat ko'rsatayotgan ijodiy-madaniy masalalar bo'yicha targ'ibotchilar uchun o'quv-seminar tashkil etildi.



Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi viloyat bo'limi hamda Shahrisabz shahar bo'linmasi vakillari o'tkazgan tadbirda targ'ibotchilar faoliyati tahlil qilinib, galdagi vazifalar belgilab olindi. Aytish o'rinli, ayni

paytda Shahrisabz shahrida 25 nafar ijodiy-madaniy masalalar bo'yicha targ'ibotchi bo'lib, ular orasida Fazliddin Vohid, Bozor Boltayev, Ibrohim Jalilov, Samad Vohid, Sobir Primov, Zuhra Ochilova, Munira Muhiddin, Abdunabi Bobojonov singari taniqli ijodkorlar borligi e'tiborga molik. Bu esa hududda o'ziga xos ijodiy muhit borligidan dalolat beradi. Endigi vazifa – yosh o'g'il-qizlar qobiliyatini ro'yobga chiqarishdan iborat. Seminar davomida faol targ'ibotchilarga badiiy kitoblar taqdim qilindi.

**Latofat ABDULLAYEVA,
RMMM Shahrisabz shahar bo'linmasi rahbari**

Sergaksizlar shaysiz doim ofatga,
Chek qo'yasiz har qanday talofatga.
Qoni qaynoq shijoatli o'g'lonsiz
Vatan uchun yashayotgan kuch,
jonsiz!

Har bir ona duodadir siz uchun,
Izingizni yosh avlodlar bosmoqda.
Ular sizdek ko'rsatlar o'z kuchin,
Yovning ildizini birdek kesmoqda.

Aql bilan ish ko'rasiz doimo,
Yechilmasdan qolmas hech bir
muammo.
Har qandayin vaziyatga tayyorsiz,
Dushman uchun go'yo ajal, bir
dorsiz!

Xizmatigiz oxiri yo'q biz deya,
Yuragingiz doim ona yurt deydi.
Yashagaysiz Vatan deya, xalq deya,
Bizlarga bu tinchlik va baxtni berdi.

Nomlaringiz qalbdan unut
bo'lmasin.
Toshlarga ismingiz o'yib yozilsin.
O'n to'rtinchi yanvar bugun,
harbiylar,
Qutlug' bayramingiz muborak
bo'lsin!

ПСИХОТРОП МОДДАЛАР АЙЛАНИШINI ОЛДИНИ ОЛИШ ЗАРУР

Гиёҳвандлик - ақлдан озиш, мурдадек яшаш дегани. Бугунги кунда аср вабосига айланган мазкур иллат ёшлар ўртасида кун сайин кенг кулоч ёзиб бормоқда. Агар гиёҳванд моддалар тарихига назар солсак, бундан 600 йил илгари фойдаланилган. XIX асрга келиб, унинг тарқалиши тезлашган ва оғриқ қолдирувчи сифатида ишлатилган. XX аср бошларида эса дунёнинг кўп давлатларида аҳоли ўртасида авж олиб, касаллик сифатида намоён бўлган. Бу гиёҳванд воситалари кўшни Афғонистонда етиштирилиб, қайта ишланиб, зарурий кимёвий моддалар аралашмаси қўшилиб, кўшни қирғизистон ва Тожикистон Республикалари орқали яширин ҳолда турли йўллар билан республикамиз ҳудудига кириб келмоқда. Бунинг оқибатида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида гиёҳвандлик илллати илдиз отяпти.

Қашқадарё вилоят ИИБ ЖКБ гиёҳвандлик воситалар ва қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлими "Ёшлар - наркотик ва гиёҳвандликка қарши" мавзусида давра суҳбати ўтказиб келмоқда. Мулоқот давомида амалга оширилаётган профилактик тадбирлар таҳлил қилиниб, салбий иллатларнинг олдини олишда инновацион лойиҳалар ҳамда ёшлар билан ушбу йўналишда индивидуал ишлашнинг долзарб вазифалари тўғрисида фикр-мулоҳазалар юритилмоқда. Шунингдек, ёшларимиз ўртасида наркотикка ва гиёҳвандликка қарши самарали курашишнинг инновацион йўллари ва воситалари ҳақида батафсил маълумотлар берилляпти.

Искандар ЖАҲОНГИРОВ,
Қашқадарё вилоят ИИБ ЖКБ гиёҳвандлик воситалар ва қонунга ҳилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлими ходими, майор

IJTIMOIIY HIMOYAGA MUHTOJ AYRIM TOIFADAGI FUQAROLARGA NAFQAQ TAYINLASH SODDALASHTIRILDI

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021 yil 28 apreldagi "Ijtimoiy himoyaga muhtoj ayrim toifadagi fuqarolarga nafaqa tayinlash bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatishning ma'muriy reglamentini tasdiqlash to'g'risida"gi 248-sonli qarori qabul qilindi.

Ushbu Reglament ijtimoiy himoyaga muhtoj ayrim toifadagi fuqarolarga nafaqa tayinlash bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatish tartibini belgilaydi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2021- yil 28- apreldagi "Ijtimoiy himoyaga muhtoj ayrim toifadagi fuqarolarga nafaqa tayinlash bo'yicha davlat xizmatlari ko'rsatishning ma'muriy reglamentini tasdiqlash to'g'risida"gi 248-sonli qaroriga asosan Yoshga doir nafaqa, Boquvchisini yo'qotganlik nafaqasi, Nogironlik bo'yicha nafaqa, Nogironligi bo'lgan 18 yoshgacha bolalar nafaqa, 18 yoshdan katta bolalikdan nogironligi bo'lgan shaxslarga nafaqa, Odamning immunitet tanqisligi verusini keltirib chiqaradigan kasallikka (OIV infeksiyasiga) chalingan 18 yoshgacha bo'lgan shaxslarga nafaqa, Bolalikdan nogiron farzandi bor (bo'lgan) onalarga nafaqa tayinlash xizmatlari 2021-yil 1- avgustdan boshlab davlat xizmatlari markazidan ko'rsatishi belgilangan.

Davlat xizmatlari davlat xizmatlari markazlari yoki O'zbekiston Respublikasi Yagona interaktiv davlat xizmatlari portali orqali O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi huzuridagi budjetdan tashqari Pensiya jamg'armasi tomonidan ko'rsatiladi va nafaqa puli nafaqa yetkazib berish (topshirish) yuklangan tashkilot tomonidan to'lanadi. Davlat xizmatlari ko'rsatiganligi uchun yig'im undirilmaydi.

Murojaat qiluvchi davlat xizmatlaridan foydalanish uchun davlat xizmatlari markazlariga o'zi (yaqin qarindoshlari, ishonchli vakili hamda vasiy yoki homiy) kelib yoki davlat xizmatlaridan elektron tarzda foydalanish uchun YIDXPda ro'yxatdan o'tgan holda murojaat qiladi. Murojaat qiluvchi Davlat xizmatlari markaziga kelib murojaat etgan taqdirda, uning so'rovnomasini Davlat xizmatlari markazi xodimi tomonidan to'ldirilib, murojaat qiluvchi tomonidan tasdiqlangandan so'ng 5 daqiqa mobaynida, YIDXP orqali murojaat qilinganda avtomatik tarzda vakolatli organga elektron shaklda yuboriladi.

Murojaat qilgan shaxsning ma'lumotlari o'rganilganidan so'ng vakolatli organ tomonidan 5 daqiqa mobaynida nafaqa tayinlash yoki uni rad etish haqida qaror qabul qilinadi hamda bu haqidagi ma'lumot tegishli Davlat xizmatlari markaziga yoki YIDXPga elektron tarzda yuboriladi. Nafaqa tayinlash rad etilgan taqdirda ma'lumotda rad etish sabablari ko'rsatiladi.

Davlat xizmatlari markazi ma'lumot olinganidan so'ng 5 daqiqa mobaynida:

Nafaqa tayinlangan taqdirda nafaqani qachon va qayerdan olish to'g'risida murojaat qiluvchini xabardor qiladi;

Eldor RAVSHANOV,
Qarshi shahar Davlat xizmatlari markazi yetakchi mutaxassisi

«OQUVCHILAR ISTE'DODI AMALDA»

Kasbi tuman 7-maktabi Viloyatda o'z o'rniga ega bo'lgan maktablardan biridir. Maktabda o'qituvchilar yangi pedagogic texnologiyal arasosida dars o'tishi n bilan birgalikda darsdan tashqari turli tadbirlarda o'quvchilarning amaliy bilimlarini sinovdan o'tkazadilar. Yaqinda

"Yosh texnik ixtirochilar "to'garagi a'zolari ishtirokida "Yosh texnik ijodkorlari tanlovi"ning maktab bosqichi o'tkazildi.

Tadbirni MMIBDO' Z.Niyozova ochib berdi. So'z novbatini fizika fani o'qituvchisi H.Salomatovga berdi. U o'z so'zida kun tartibidagi masala yuzasidan 15 kun avval e'lon chiqarilganligi, barcha sinf o'quvchilariga yetkazilganligi haqida tadbirning mohiyati, maqsadi haqida tushuncha berib o'tdi. Tadbirda asosan "Texnik modular ixtirosi " bo'yicha baholandi .Bunda har bir o'quvchi o'z ijodiy ishi bilan ishtirok etdi. Hakamlar hay'ati bilan birgalikda baholash jarayonida o'quvchilarimiz orasidan iste'dodli o'quvchilar aniqlab olindi..

Innovatsiyon g'oiy bo'yicha VII -"D" sing o'quvchisi Boyqulov Shoxsuvor, Modul yasash bo'yicha Jumanazarov Ortiq,VI-"B" sinf o'quvchisi Abdusamadov Shoxruh, VI "D" sinf o'quvchilari G'ofurov Nurmuhammad va To'rayev Eldor, VII "A" sinf o'quvchisi Alimardonov G'anisherlar yuqori o'rinlarni qo'lga kiritdilar. Tadbir so'ngida targ'ibotchi R.Cho'liyev so'zga chiqib tadbirning maqsadi o'quvchilar orasidan iste'dodli, qobiliyatli o'quvchilarimizni saralash ,kelajakda ularning qobiliyatiga qarab o'qituvchi mutaxassislariga berkitish, ularning ijodiy ishlarini OAVga chiqarishdan iboratligi, Bu yutuqlarini ko'rgan boshqa o'quvchilar ularga ergashishlari, o'quvchilarning o'zlaridan ustoz-shogird an'anasi asosida ularni berkitish umuman olganda hech qaysi o'quvchi bo'sh vaqtlarini bee'tibor qoldirmaslik, haqida eslatib o'tdi.

A.MIRAKOV

ОДАМ САВДОСИ - ИНСОН ЭРКИНЛИГИГА ТАҲДИДДИР

Бугунги кунга келиб халқаро терроризм, наркотрафик ва одам савдоси сингари трансмиллий жиноятларнинг инсон хавфсизлигига хуруж қилаётгани боис, улардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда. Худуд ва чегара билмайдиган бу жиноятларнинг ҳар бири жамият тараққиёти ва давлатлар ривожига жиддий хавф туғдирмоқда. Улар орасида айниқса, одам савдосидек оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч кўринишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Инсон тирик мавжудотлар орасида ақл-идрок берилган онгли мавжудот бўлиб, у ўтган замонларда ҳам озод ва эркин яшашга ҳаракат қилган. Уни эркидан маҳрум қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлиги дунё ҳамжамияти томонидан тасдиқланган қонунларда ҳам белгилаб қўйилган. Бироқ, бугунги кунда дунё бўйлаб одам савдосидай ўта хавфли иллатнинг кенг тарқалиши инсон шахси, шаъни, қадр-қиммати, шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таҳдид туғдирмоқда. Бу билан боғлиқ жиноятлар жаҳон жамоатчилигини жиддий ташвиш ва хавотирга солаётгани айни ҳақиқат. Кейинги йилларда одам савдоси туфайли юзага келаётган глобал хавф қанчалик ортиб бораётган бўлса, бу жиноятга қарши курашишга қаратилган чоратadbирлар кўлами ҳам шунчалик кенгаймоқда. Одам савдосига қарши курашиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, XIX аср охири ва XX аср бошларида аёлларнинг Европадан Америка ва Шимолий Африка қитъаларига кенг кўламли миграцияси ҳамда аёлларни Европага сотиш ҳодисаси кузатишган. Бу ҳодисага барҳам бериш мақсадида Парижда 1902 ва 1910 йилларда иккита конференция ўтказилиб, "Оқ қуллар савдосига қарши кураш" номли бутунжаҳон Конвенцияси қабул қилинган. Кейинроқ ушбу конвенция "Аёллар ва болалар савдосини йўқотиш" ва "Вояга етган аёллар савдосини йўқотиш" номли бутунжаҳон Конвенциялари билан тўлдирилган. Одам савдоси муаммосига қарши курашишнинг кейинги тарихий жараёнлари секин-аста ривожланиб, 1948 йилда "Инсон ҳуқуқлари" умумжаҳон Декларацияси қабул қилинган. Шундан сўнг "Инсон ҳуқуқларининг Европа Конвенцияси", "қуллик хусусида"ги Конвенция, "қулликни йўқотиш амалиёти тўғрисида"ги қўшимча Конвенция, "Бола ҳуқуқлари тўғрисида"-

ги Конвенция, "Аёлларга қарши дискриминациянинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциялар қабул қилиниб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида қўлланила бошланди. Айни пайтда трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг узвий таркибий қисми бўлган бу турдаги жиноят дунё миқёсида кенг тарқалмоқда. БМТ ва Миграция бўйича халқаро ташкилот мутахассисларининг таҳлилий хулосаларига кўра, ундан жабр кўрганлар сони бир неча миллионларини ташкил қилмоқда. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг асосий қисмини аёллар ва болалар ташкил қилмоқда.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири бўлган одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида юртимизда ҳам қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шунингдек, мустақиллик йилларида хорижий давлатлар билан уюшган жиноятчилик, шу жумладан, одам савдосининг хавфли кўринишларига қарши кураш ҳақида бир қатор шартнома ва келишувлар имзоланди. Бош қомусимизнинг 24-моддасида: "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", дейилган. Энг ачинарлиси, бу жиноятни содир этувчиларнинг ҳам, бундан жабр кўрувчиларнинг ҳам муддаолари муштарак. Ҳақиқат, енгил йўл билан даромад топиш истагида жиноят содир этиш - икки тоифадаги одамларни ҳам ҳалокат домига тортмоқда. Зеро, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ғайриқонуний равишда айнан ўзга инсон томонидан камситилиши кечириб бўлмас жиноятдир.

Сирожиiddин ҒАНИЕВ,
вилоят ИИБ ТЭҚКБ ходими.
Тоҳир ТОШЕВ,
Шаҳрисабз шаҳар ТЭҚКБ тезкор вакили

ОИВ ИНФЕКЦИЯСИ КАСАЛЛИГИНИ ТАРҚАТИШ-ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИККА САБАБ БЎЛАДИ

ОИВ инфекцияси бугунги кунда деярли барча минтақаларни қамраб олди ва Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти учун биринчи навбатдаги муаммага айланди. ОИВ/ОИТСнинг глобал тус олган ҳолда тарқалиши авлодларимиз олдида турган энг катта муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кунини ҳар йили 1 декабрда нишонланади. Дунё бўйлаб одамлар ОИВ билан касалланган одамларни қўллаб-қувватлаш учун бирлашадилар.

Аҳоли, айниқса ёшлар оғоҳликка, хушёрликка, ҳар бир қадамини ўйлаб босишга даъват этилмоқда. Чунки бу касалликни олдини олишда аҳолини тиббий савиясини, ОИВ-инфекцияси тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишларини кенг ёритиш мақсада мувофиқ бўлади. Зеро, ўйламай босилган биргина қадам оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини барчамиз яхши биламиз. Бунинг учун ҳаммамиз бирдек масъул бўлиб, мазкур касалликнинг олдини олиш учун ҳамкорликда иш олиб боришимиз зарур. Шундай экан, ён атрофимизга бефарқ бўлмаслик бугунги даврнинг талабига айланаётганлигини унутмаслигимиз керак. ИИБ терговчилари ўз амалиётида бўлган воқеани сўзлаб беришди: бир йигит ҳаёт ва саломатлик учун хавфли бўлган жиноятни содир этганлиги маълум бўлди. Тергов олди текширувларида аниқланишича 17 ёшли А.К., ОИВ инфекцияси билан касалланганлигидан ва ОИТС марказида диспансер

ҳисобида туришидан хабардор бўла туриб, таниши Р.Б. билан жимояланмаган тарзда жинсий яқинлик қилган ва бу билан қизни ОИВ инфекциясини юқтириш хавфи остига қўйган. Қонуний жимоячиси иштирокида бўлиб ўтган ходимлар билан суҳбатда йигит ўз айбига тўлиқ иқдорлигини билдириб, қуйидагиларни маълум қилган. Касаллиги туфайли у 2009 йилдан буён ҳисобда туриб, мунтазам равишда кўриқдан ўтиб туради. Р.Б. билан болаликдан таниш бўлганлиги сабабли, у билан анчадан буён яхши муносабатда бўлиб, ўсмирлик давриданок учрашиб юрган. Муносабатларни "катталар" даражасига ўтказишни йигит ва қиз режалаштирмаган эдилар, аммо бу ҳолат содир бўлганида уларда контрацептив бўлмаган. Йигит қизни жинсий алоқа хавфли бўлиши мумкинлигидан огоҳлантирган, аммо ўсмирлик севгиси уларнинг кўзини кўр қилиб қўйган эди. Кейинчалик ёшлар жимоя воситасидан фойдаланиб, биринчи ҳолат ҳеч қандай

ёмон оқибатларга олиб келмаслигидан умидвор бўлишган. Бироз вақт ўтгач, ўзини ёмон ҳис қила бошлаган қиз шифокорга мурожаат қилиб, 5 ойлик ҳомиласи борлигидан хабардор бўлган. А.К. ўз ҳаракатлари билан бошқа шахсни ОИВ инфекцияси ва таносил касалликларини юқтириш хавфи остига қолдирган. Мазкур факт асосида ИИО ФМБ хузуридаги тергов бўлими томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 113-моддаси бўйича жиноий иш қўзғатилди.

Азиз юртдошлар! Ўзимизни, оиламизни, фарзандларимизни, яқинларимизни, қадрдонларимизни, дўсту биродарларимизни ОИВ инфекцияси касаллигидан асрайлик!

Р.ТУРДИЕВА,
вилоят ОИТСга қарши курашиш маркази методик, профилактик ва эпидемияга қарши ишларни ташкиллаштириш бўлими врач-эпидемиологи, олий тоифали шифокор

NOGIRONLIK DAVRIDA TANAFFUSLAR BO'LGANDA PENSIYA TO'LASHNI QAYTA DAVOM ETTIRISH SHARTLARI NIMALARDAN IBORAT?

Agar nogiron uzrsiz sabablarga ko'ra belgilangan muddatda qayta ko'rikdan o'tish uchun TMEKga bormagan bo'lsa, unga pensiya to'lash to'xtatib qo'yiladi, uni yana nogiron deb tan olingan taqdirda to'xtatib qo'yilgan kundan, lekin ko'pi bilan o'tgan bir oydan boshlab pensiya to'lash davom ettiriladi.

Uzrli sababga ko'ra qayta ko'rikdan o'tish muddati o'tkazib yuborilganda, agar TMEK uni ana shu davrda nogiron bo'lgan deb topsa, pensiya to'lash to'lov to'xtatib qo'yilgan kundan boshlab to qayta ko'rikdan o'tish kunigacha, lekin ko'pi bilan o'tgan uch yil uchun davom ettiriladi. Bunda nogiron qayta ko'rikdan o'tkazish chog'ida nogironlikning boshqa guruhga (yuqori yoki past guruhga) o'tkazilgan bo'lsa, pensiya ko'rsatib o'tilgan vaqt uchun avvalgi guruh bo'yicha to'lanadi.

Umumiy kasallik oqibatida mehnat qobiliyatini yo'qotgan nogironga mehnat qobiliyati tiklanganligi sababli pensiya to'lash to'xtatilgan yoki uzrsiz sabablarga ko'ra qayta ko'rikdan o'tishga kelmaganligi oqibatida to'xtatib qo'yilgan bo'lsa, uni yana nogiron deb tan olingan taqdirda, agar pensiyani to'lash to'xtatilganidan keyin besh yildan ortiq vaqt o'tmagan bo'lsa, ilgari tayinlangan pensiyani to'lash nogironlik belgilangan kundan boshlab davom ettiriladi.

Agar besh yildan ortiq vaqt o'tgan bo'lsa, pensiya yana umumiy asoslarda tayinlanadi.

Sh.BOZOROV,
G'uzor tuman adliya bo'limi yetakchi maslahatchisi

TARBIYACHILIK KASBINI

TANLASHNING O'ZI BIR-JASORAT

Kelajagimizni porloq bo'lishi yosh avlodni qanday ta'lim-tarbiya olayotganiga va ana shu jarayon ta'sirida qanday inson bo'lib voyaga yetishlariga bevosita bog'liqdir.

Ta'lim-tarbiya ishi bilan shug'ullanadigan inson bu-pedagog, tarbiyachi, muallim kelajak avlod oldida katta ma'suliyat sezib yashaydi. Pedagog haqida qisqacha to'xtalsak. Pedagogika atamasi qadimiy bo'lib "Bola yetaklovchi" degan ma'noni anglatadi. Pedagogika grekcha "poydogogos" so'zidan kelib chiqqan, pedagog - ta'lim tarbiyani usullarini vositalarini dunyoning moddiy-ma'naviy rivojida shaxs kamoloti uyg'unligini tashkil etadi.

Bolajonlar kuniga 9-10 soat davomida MTT ga tarbiyachilar yonida bo'ladilar. Bolajonlar kunning asosiy qismini bolalar bog'chasida o'tkazadilar. Tarbiyachilar esa o'zining har bir hatti-harakatlari shirin so'zi ishi fikri va kiyinish odobi bilan bolajonlarga bevosita kuchli ta'sir etadi. Kichikintoylarni shaxs sifatida rivojlanishiga ularning oila a'zolari ota-onasi bobo-buvisi opa-akalari qanchalik muhim o'rin tutsa, tarbiyachi ham shunchalik ahamiyatga molik kishidir.

Ota-onalar bolalarni tarbiyalashda ko'proq, his-tuyg'uga hayotiy tajribalarga tayansalar, tarbiyachi pedagogik ta'lim-tarbiya asoslarini o'rganib, ilg'or pedtologiyalarni egallagan holda ish olib boradi.

Kasbi tumanidagi 11-sonli DMTT faoliyatiga nazar tashlasak ana shu maqsadda ish yuritilayotganligini guvohi bo'lamiz.

O'z kasbining ustalari Intizor Axmedova, Nodira Xudoynazarova, Surayyo Botirova, Durdona Xolova va boshqa tarbiyachilar doimo izlanib kasb mahoratlarini yanada oshirish maqsadida tinmay mehnat qilmoqdalar. Direktor Mavluda opa Nabiyeva esa reja asosidagi boshqa ishlari qatori, har haftada bir marta tarbiyachilarni yig'ib ular bilan suhbat uyushtiradilar. Pedogikaga oid gazeta jurnal va adabiyotlar bilan tanishib faoliyati jarayonida ulardan samarali foydalanadilar. Guruhlarda o'tkazilayotgan mashg'ulotlarni kuzatib boradilar va kerakli o'rinlarda maslahatlar berib yo'l-yo'riqlar ko'rsatadilar. Bu esa bolajonlar bilan olib borilayotgan mashg'ulotlar yanada qiziqarli va mazmunli bo'lishiga ko'maklashadi.

O'ylaymizki mohir tarbiyachilar mehnati hamkorligida "Ilk qadam" davlat dasturi asosida olib boriladigan ta'lim tarbiya natijasida Kasbi tumanidagi 11-sonli DMTTning tarbiyalanuvchilari ham kelajakda Vatanimiz O'zbekiston rivojiga o'z hissasini qo'shadigan yurtning munosib farzandlari bo'lib kamol topadilar degan umiddamiz.

Musannat O'RINOVA,
11-sonli DMTT ning tarbiyachisi

ОНА ТИЛИ ФАНИНИНГ ЎҚИТИШДА НОАНЪАНАВИЙЛИК

Бугунги кунда барча соҳаларда ўзбек тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Давлатимиз томонидан ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳалардаги ислохотлар, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган фармон ва қарорлар ўзбек тили, хусусан, она тили раънақига хизмат қилмоқда.

Она тилимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номидаги ижод мактаблари ташкил этилди. Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исроҳон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало она тили ва адабиётини, бадиий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилмоқда.

Умумий ўрта таълим муассасаларида Она тили фанини ўқитишнинг асосий мақсади — ўз фикрини оғзаки ва ёзма тарзда тўғри ва раво баён қиладиган, китобхонлик маданияти шаклланган, мустақил ва ижодий фикрлай оладиган, ўзгалар фикрини англайдиган — мулоқот ва нутқ маданияти ривожланган шахсни камол топтиришдан иборат. Умумий ўрта таълими муассасаларида Она тили фанини ўқитишнинг асосий вазифаси: ўқувчи шахсини фикрлашга, ўзгалар фикрини англашга, ўз фикрини оғзаки ҳамда ёзма шаклда саводли баён қила олишга қаратилган нутқий компетенцияни ривожлантириш; ўқувчиларда грамматикага оид ўзлаштириладиган билимларни (фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалиши, морфология, синтаксис, ёзув ва имло, тиниш белгилари, нутқ услублари, стилистикага оид тушунчаларни) ривожлантириш; она тилининг кенг имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда тўғри ва раво баён эта олишни ривожлантиришга қаратилган лингвистик компетенцияларни шакллантиришдан иборат.

Ирода АШУРОВА,
Қамаши туман 73-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси

«KONSTITUSIYA BAXTIMIZ QOMUSI»

8-Декabr – O'zbekiston Respublikasi Konstitusiyasi qabul qilingan kun. Ushbu sana munosabati bilan maktabgacha ta'lim tashkilotlarida ko'plab tadbirlar tashkil etildi.

Kitob tumanidagi 15-Davlat maktabgacha ta'lim tashkilotida "Konstitusiya baxtimiz qomusi" nomli bayram tadbiri bo'lib o'tdi. Unda viloyat maktabgacha ta'lim boshqarmasi bosh mutaxassisi L.Fayzullaeva, tuman maktabgacha ta'lim bo'limi mudiri M.Kenjaev, bo'lim mas'ullari, ma'naviyat targ'ibotchilari ishtirok etdi.

Dastavval Konstitusiyamiz haqida, uni hayotimizda tutgan o'rni, ahamiyati xususida qisqacha ma'lumot berib o'tildi. Shundan so'ng tarbiyalanuvchilar tomonidan qiziqarli sahna ko'rinishlari namoyish etildi. Ayniqsa, ularning she'rlari va raqsli chiqishlari yig'ilganlarda katta taassurot qoldirdi.

Tadbirni yuqori saviyada o'tishida mazkur maktabgacha ta'lim tashkiloti direktori Zarifa Avloqulova, musiqa rahbari Mahorat Xojimurodova, tarbiyachilar Nigora Saydalieva, Sadbarg Djuraevlarning hissasi katta bo'ldi.

Tadbir so'ngida Z.Avloqulova va Kitob tuman maktabgacha talim bo'limi davlat va nodavlat maktabgacha ta'lim muassasalari faoliyatini hamda o'qitishning muqobil shakllarini tashkil etish sho'ba mudiri D. Achilova "Tashakkurnoma" bilan taqdirlandi.

Dilafrō'z ACHILOVA,
Kitob tuman maktabgacha talim bo'limi davlat va nodavlat maktabgacha ta'lim muassasalari faoliyatini hamda o'qitishning muqobil shakllarini tashkil etish sho'ba mudiri



O'ZBEKISTON BO'YLAB SAYOHAT QIL!

Shahrisabz shahar 18-umumiy o'rta ta'lim maktabida joriy 2021-2022-o'quv yili davomida maktabning 7-11-sinf o'quvchilari bilan ularni qiziqishlari asosida kasb-hunarga yo'naltirish ishlari turli ko'rinishda tashkil etib kelinmoqda.



"OQSAROY TEKSTEL" MCHJga, "Temurbeklar maktabi" harbiy akademik litseyida, "MAQOM MUZEYI"ga sayohatga olib borildi.

Sh.RASULOV,
Shahrisabz shahridagi 18-maktabning Chaqiruvga qadar boshlang'ich tayyorgarlik fani o'qituvchisi
R.AVLAYEVA,
maktab psixologi

Муқаддас Жуманиёзова 1966 йил 11 февралда Хоразм вилоятининг Шовот тумани зиёли оилада туғилган. Тумандаги 1-сонли мактабга ўқишга бориб, шу мактабни аъло баҳоларга битириб, аввалги Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтининг француз тили факультетига ўқишга кирган. Меҳнат фаолиятини Нишон туманидаги 1-сонли мактабда 1986 йилда бошланғич синфларда рус тили фани ўқитувчиси сифатида бошлаган. Йиллар давомида жуда кўп шогирдлар етиштириб, улар ҳозирги кунда турли соҳаларда меҳнат қилиб келишяпти.

2020 йилда "Халқ таълими аълочили" кўрак нишони билан тақдирланган. Жуда кўплаб дипломлар, ташаккурномалар, faxрий ёрликлар билан рағбатлантирилган. 2018 йил фан олимпиадасидан вилоятга 15 нафар, 2019 йил 13 нафар, 2020 йил 14 нафар ўқувчилари қатнашиб, faxрли ўринларни эгаллашди. 2021/2022 ўқув йилида мактаб 1-сон ИДУМ мактаб мақомини олиб, информатикага фани чуқурлаштирилиб ўтишга йўналтирилди. Айниқса математика ва информатика фанидан ҳар йили ўқувчилар фан олимпиадасининг республика босқичига чиқади.

Мактабда тахсил олган ўқувчиларнинг кўпчилиги юртимиздаги халқаро ва нуфузли олий ўқув юртларида тахсил олишяпти. Ўқувчиларнинг муваффақиятларига эришишида фан тўғрақларини ўрни беқийс. Бунда ўқитувчиларнинг меҳнати самараси катта. Мактаб ўқитувчиларининг эришган ютуқлари

учун муносиб рағбатлантирилиб келинмоқда. Жамoa очик дарсларни тез-тез ўтиб туришади.



Психологлар билан ҳамкорликда ишлар яхши йўлга қўйилган. Ота-оналар билан ҳамкорлик яхши олиб борилади. Юқори синф ўқувчиларининг қалбига йўл топиш кераклигини яхши билан Муқаддас Жуманиёзова доим измараси катта. Мана учинчи йилмидирки у Kundalik.comда ишлаяпти.

Мактаб шу йиллар давомида республикада биринчилки кўлдан бермаяпти. Ўтган йили Халқ таълими вазирлигининг "Замонавий мактаб лойиҳаси"га ҳужжат топширилган эди. Яқинда махсус ишчи гуруҳи келиб эришган ҳамма соҳалар бўйича ютуқларни кўришди, гувоҳи бўлишди. Албатта, кўпроқ ютуқларга эришиш учун кўпроқ меҳнат қилиш керак бўлади. Мактабда 2 та компьютер хонаси, 28 та компьютер жамламаси бор. Ўқитувчилар ишлаши учун шароитлар етарли. Кутубхонада бадиий ва ўқув адабиётлари билан бойитилмоқда. Ҳозирда фидойи устоз Муқаддас Жуманиёзова Нишон туманидаги 1-мактабнинг ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Дилафрўз ШАНИЯЗОВА,
Қашқадарё ВХТХҚТМОХМ Педагогика, психология ва таълим менежменти кафедраси катта ўқитувчиси

AHOLINI RO'YXATGA OLISH HAR O'N YILDA O'TKAZILADI

Davlatimiz rahbari tomonidan "Aholini ro'yxatga olish to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasining Qonuni imzolangan. Mazkur Qonun, aholini ro'yxatga olish sohasidagi munosabatlarni har tomonlama tartibga soluvchi ilk bor qabul qilingan huquqiy hujjat sifatida O'zbekiston tarixidan o'rin oldi. Chunki shu vaqtgacha bu sohada qonunchiligimizda hech qanday hujjat yo'q edi. Qonun, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 5-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasida aholini ro'yxatga olishni o'tkazish Kontseptsiyasini tasdiqlash to'g'risida"gi PF-5655-son Farmoniga muvofiq ishlab chiqildi.

Qonunni ishlab chiqishda, Birlashgan Millatlar Tashkiloti va Yevropa statistikasi konferentsiyasining aholini ro'yxatga olishni o'tkazish bo'yicha asosiy tamoyillari va tavsiyalaridan asos sifatida foydalanildi. Qonun beshta bob va o'ttiz bir moddadan iborat bo'lib, unda qonunning maqsadi, asosiy tushunchalar, aholini ro'yxatga olishning vazifalari va printsiplari yoritib berilgan. Asosiy printsiplardan biri sifatida davriylik printsiipi, ya'ni aholini ro'yxatga olish o'n yilda kamida bir marta o'tkazilishi hamda aholini ro'yxatga olishni o'tkazish to'g'risidagi qaror, O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tomonidan qabul qilinishi belgilab qo'yilgan. Aholini ro'yxatga olish jarayonida, shaxsga doir ma'lumotlar Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlanadigan ro'yxatga olish varaqlari asosida har bir respondent uchun yakka tartibda to'ldiriladi, ya'ni ro'yxatga oluvchi shaxslar tomonidan uymay yurib, har bir respondent uchun alohida to'ldiriladi.

Damin NOMOZOV,
G'uzor tuman Statistika bo'limi boshlig'i

ЯНГИ ЙИЛ ТИЛАКЛАРИ

Мана жонажон Ўзбекистонимизда қиш фасли ўз зийнати кўз-кўз қилмоқда. Қалбларга олам-олам орзулар солиб янги йил кириб келди. Ҳар бир инсон ёшлигида бу сеҳрли кун янги йил байрамини гўзал мақсадлар, янги орзулар билан кутиб олгани аниқ. Бугун мамлакатимизда кечаётган юксак ўзгаришлар, янгиланишлар ва Янги Ўзбекистоннинг эртанги келажаги бўлган ёшларнинг ҳам ўз олдига қўйган улкан ниятлари бор. Газетамизнинг янги йил тилаклари саҳифасида сиз Косон тумандаги 76-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларининг оппоқ орзулари билан танишасиз...

-Юртимизда мен севган қиш фасли ҳукм сурмоқда. Биз таҳсил олаётган 76-мактабда янги йил байрамини кутиб олиш учун олдиндан тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Мактаб ва синфхоналарни безатиш, янги йил тадбирига тайёргарлик кўриш учун ҳамма ўқувчилар, мактабимизнинг жонкуяр тарғиботчиси Элбой Қулмонов раҳбарлигида ўз ижодий чиқишларини тақдим қилди. Мен ҳам мактабимизда ташкил этилган "Умид учкунлари" адабий-бадий тўғарининг маданият ишлари сардори сифатида қатнашаман. Шу фурсатдан фойдаланиб мактабимизнинг барча азиз устозлари ва яқинларимни янги йил байрами билан табриклайман. Уларни келгусидаги ишларига зафарлар ёр бўлсин деб қоламан.

Асадбек ХАЙРУЛЛАЕВ,
76-мактабнинг 9-синф ўқувчиси.



-Менинг энг севимли фаслим қиш фасли ҳам кириб келди. Янги йил байрамини барча инсонлар қатори мен ҳам соғиниб кутаман. Ўтган йили карантин қоидалари жорий бўлганлиги учун ҳеч қандай байрам бўлмаган эди. Яратганга шукр бу йил мактабимиз директори Омон Муродов бизга синфхоналаримиз ва мактабимизда ҳам байрам шукуҳи кезиб туриши учун ҳамма жойни безаш учун рухсат берди. Бундан биз жудаям қувондик ва энг биринчи бўлиб биз синфхонамизни безадик. Кириб келган янги йил билан барча Ўзбекистон аҳлини чин қалбимдан табриклайман. Янги йил ҳаммининг хонадонига яхшиликлар олиб келсин.

Моҳина БОБОХОНОВА,
76-мактабнинг 8-синф ўқувчиси.

- Яқунланган 2021 йил менинг ҳаётимда энг яхши йил сифатида ўз ўрнини қолдирди. Мухтарам Юртбошимиз томонидан биз ёшларни иқтидорини юзага олиб чиқиш учун барча мактабларда ташкил этилгани каби бизнинг мактабда ҳам ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи, ижодкор акимизнинг келгани менинг рассомчилик истеъдодимни қадр топишида, орзуларимга қанот бўлди десам, муболаға бўлмайди. Мактабимиз миқёсида ўтказилган "Ранглар жилоси" номи ижодий рассомлар танловида ўзим чизган расмлар билан иштирок этиб, олий ўринни эгалладим ва пойтахтда чиқадиغان "Қашқадарё жилғалари" республика баёзи китобига тавсия хати олдим. Ва "Умид учкунлари" адабий-бадий тўғарининг тасвирий саънат йўналиши сардори этиб сайландим. Янги йил байрами билан энг аввало ота-онамни, устозларим ва синфдош, дўстларимни ҳаммасини табриклайман.

Шухрия ОЧИЛБЕКОВА,
76-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.



- Кириб келган янги йил байрами билан барча оила аъзоларимни, меҳрибон устозларимни ҳамма-ҳаммасини табриклайман. Менинг ҳам янги йилдан орзуларим кўп. Яхши ўқиб, мактабни олтин медал билан тамомлаб, ўзим орзу қилган олийгоҳларга кириб ватанимга нафи тегадиган инсон бўлишни, ота-онамни ҳам юзларини ёруғ қилиб, улар ҳавас қилгандек, фарзанд бўлиши учун мен доимо аъло баҳорларга ўқишга ҳаракат қиламан. Яна бир бор байрамингиз муборақ бўлсин азиз юртдошлар!

Русланбек ҚЎЗИЕВ,
76-мактабнинг 7-синф ўқувчиси.

Саҳифани: Элбой ҚУЛМОНОВ тайёрлади.
"Вести плюс Воқиф" газетаси муҳбири, Косон туманидаги 76- мактабнинг "Ижодий-маданий" масалалар бўйича тарғиботчиси.

QISH FASLI

*Qish fasli, sen
chiroyli,
Tonging doim qirovli,
Qor ko'rpaga
burkangan,
Tunlaring ham
zo'r oyli.
Qishda yog'sin*



*oppoq qor,
Qorlaringga hamma zor,
Yog', yog'aver bo'ralab,
Shukur, sendek fasl bor!
Men qishni xush ko'raman,
Doim uni kutaman,
Yaxshiyamki, bu fasl,
Takrorlanar muttasil!*

SOG'INCH

*Otam qadri,
Kiyimlarida atri.
Men otamdek bo'laman,*

*Dunyolarni kezaman!
Otam qadri,
Uzoqdan kelar atri.
Garchi yo'qsiz
yonimda,
Lek yashaysiz
qalbimda!
Ulg'aysam, xuddi
sizdek,
Mard va jasur
bo'laman.*

*Vatanimga, elimga,
Sodiq xizmat qilaman!
Muhammadjon SHAMSIYEV,
Qarshi shahridagi 19-
maktabning 5-A sinf o'quvchisi*

ORZU

*Daraxt barglaridek juda ham
ko'plab,
Barcha odamlarda
bo'ladi tilak.*

*Do'stim,
senga bir gap,
esingda tutgin,
Orzu orzu
bo'lib qolmaslik
kerak!*

*U n g a
erishish chun*

*harakat qilgin,
Hali orzu seni etmasidan
tark.
Negaki do'stginam, kuz
kelganida,
Yerga to'kiladi daraxtdagi
barg.*

*Jahongir XUSHVAQTOV,
Qarshi shahridagi 19-
maktabning 10-B sinf
o'quvchisi*

Yoshlar ijodidan

KITOB – INSONNING ENG YAQIN DO'STI

Kitob – insonning eng yaqin do'sti va maslahatchisi, aql qayrog'i va bilim manbaidir. Kitob fikrlash quroli, xazinalar kaliti, tafakkur manbai bo'lgani uchun ham xalqimiz uni mo'tabar hisoblaydilar. Shuning uchun kitobga muhabbat, uni qadrlash, o'qishga ishtiyoq xalqimizning qon-qoniga singib ketgan.

Kitob - inson ongining ko'zgusi. Agar inson ana shu ko'zguda o'zini chiroyli ko'rishni istasa, demak, ko'p kitob o'qishi, ma'naviy ozuqa olishi, kitobni o'ziga do'st tutishi kerak.

Kitob shubhasiz, insonning eng oqil, to'g'ri yo'lni ko'rsatuvchi do'sti, maslahatchisiga aylanadi. Qancha ilm izlasak, qancha mehr va ko'makka muhtoj bo'lsak, barchasini kitobdan topishimiz mumkin.

KITOBIM

*Kitobim sen oftobim,
Qalbimdagi chirog'im.
Sensan menga qadrdon,
Sensan mening o'rtog'im.*

BOBOJON

*Bobojon-bobojon mehribon,
Hamisha-menga qalqon.
Bag'ringiz bir doston,
Bobojonim siz chaqqon.*

TOSHKENTIM

*Poytaxtimsan Toshkentim,
O'zbekiston yuragi.
Qadimda sen Shohkentim,
Navqiron bu Boshkentim.
Saxiy quyosh o'lkamsan,
Mehrijonsan, ummonsan.
Baxtga to'la so'imsan,
Navqiron bu Boshkentim.*



Dilmurodova Dilfuza Dilzod qizi,
Shahrisabz tumani 35-umumiy o'rta ta'lim maktabining 6-sinf o'quvchisi.

Shahrisabz tumanidagi 35-maktabning a'lochi o'quvchilaridan. U "Yosh jurnalistlar maktabi"ning "Teleboshlovchilik" tezashtirilgan kursini muvaffaqiyatli tamomlab, sertifikatga ega bo'ldi. Ijodkor o'quvchi Dilfuza she'rlarini to'plab, chop ettirish niyatida.



YANGI YIL

*Bizlar bezatdik archa,
Lol qoldi unda barcha.
Mana bugun Yangi yil,
Shod bo'lar barcha ko'ngil
Qorbobo ham keladi,
Hamma shodon bo'ladi.
Ulashadi sovg'alar,
Xursand bo'lar bolalar.*

QOR

*Ajoyibdir manzara,
Atrofingga bir qara.
Hamma yoq oppoq bo'lar,
Ko'ngil kabi oq bo'lar.*

Laylo ESHPO'LATOVA,
Chiroqchi tumanidagi 56-
maktabning 6-sinf o'quvchisi

Yosh rassomlar ijodidan



Rayhona TURDIQULOVA,
Qarshi shahridagi 19-maktabning 7-V sinf o'quvchisi

VATANIM

*Dunyo seni tan oldi bugun,
Osmon uzra hilpirar bayrog'ing.
Ko'zlar yoshga to'lar o'sshbu kun,
Qutlug' bo'lsin tug'ilgan kuning.
Ona yurtim omon bo'lgan sen,
Parvoz ayla osmonga.
Baxt qo'shig'in kuylab
o'tgin sen,
Havas qilsin dunyolar senga.*

TABIAT SIRLARI

*Tabiat shunday sirlarga boydir,
To'rt fasli hammaga yoqar
birma bir.
Uning havosi chiroyiga boydir,
U hayot mayoqi hayot chirog'i.
Gullar ochilur bahor faslida,
Issiq bo'lar o'lkam fasl yozida.
Barglar to'kilar yilning
so'nggida,
Kirib keldi qish O'zbekistonga.
Sabrina XOLIQOVA,
Shahrisabz «Yosh jurnalistlar
maktabi» o'quvchisi*



BOSHLANG'ICH TA'LIMDA MATEMATIK BILIMLARNI SHAKLLANTIRISH

Boshlang'ich sinflarda matematikadan masalalar yechish, o'quvchilarning mantiqiy fikrlash qobiliyatlarini shakllantirish va rivojlantirishga, o'z fikrlarini mustaqil bayon qila olishga, egallagan bilimlarini ijtimoiy faoliyatlarda qo'llashga xizmat qiladi.

Bugungi kunda matematika fani yosh avlodni barmol avlod qilib tarbiyalashda, komillik sari yo'naltirishda o'quv fani sifatida keng imkoniyatlarga ega. Matematika fani o'quvchi tafakkurini rivojlantiribgina qolmay, ularni aqlini charxlaydi. Uni tartibga soladi. O'quvchilarda maqsadga yo'nalganlik, mantiqiy fikrlash, topqirlik hislarini shakllantirib boradi. Boshlang'ich sinflarda matematika fanini o'qitish, maktab kursini o'zlashtirishning dastlabki bosqichi sifatida qaraladi. Shu sababli boshlang'ich sinflarda matematika fanini o'qitishda ko'zda tutiladigan umumiy masalalarni olish va bu masalalarni hal etishda boshlang'ich ta'limning ahamiyatini to'g'ri baholamoq kerak. Maktablarda matematika fani dasturiga taaluqli ko'pgina masalalar boshlang'ich sinflardayoq shu darajada mustahkam o'zlashtirilishi kerakki, bunda ular o'quvchilar ongida butun umr saqlanib qolsin. Bunday hollarda axborot texnologiyalaridan samarali foydalanish zarur bo'ladi.

Shuning uchun ham Prezidentimiz



Sh.Mirziyoyev matematika aniq fan ekanligi, bu fanni yaxshi o'zlashtirgan bola aqlli, keng tafakkurli bo'lib o'sadi, istagan sohada muvaffaqiyatli ishlab ketadi deb, ta'kidlagan edilar. Bundan kelib chiqib o'quvchilarni matematika fanini o'rganishga qiziqishlarini rivojlantirish o'qituvchining muhim vazifasidir. Matematika faniga qiziqishi bor va fanga qobiliyati yuqori bo'lgan o'quvchilarning ehtiyojlarini va talablarini qondirishga har tomonlama imkon qaratish kerak. Matematika bilan shug'ullanish faqat xortira va tafakkurni mustahkamlabgina qolmay, balki bolalarning mehnat maktabi ham bo'ladi. Yaqinda qishei ta'til oldidan maktabimizning 1 "A" - sinf o'quvchilari ishtirokida matematika fanidan ochiq dars tashkil

etildi. Darsda faol ishtirok etgan o'quvchilar Elov Azizbek, Faxriddinova Xonzoda, Usmonova Kumush, Ergashova Jasmina, Boqijonov Behro'z, Sayfiddinova Yulduz, Avlayev Ismoil va boshqalar. Boshlang'ich sinfda bu kabi namunali darslar reja asosida tashkil etilib, o'quvchilarning fanlarga bo'lgan qiziqishi ortib bormoqda.

Iroda ODINAYEVA,
Shahrisabz tumanidagi
8-maktabning Boshlang'ich sinf
o'qituvchisi, 1-"A" sinf rahbari

FIDOYILIK BO'LSA....

Bugun bizning bag'rimizda yayrab-yashnab o'sayotgan, yanada baland cho'qqilab, dunyo kengliklarida O'zbekiston bayrog'ini baland hilpirayotgan farzandlarimiz chehrasida bizdan qoladigan ozod va obod Vatan qiyofasini ko'ramiz.

O'quvchi - yoshlar O'zbekistoning chin ma'nodagi kelajagidir. Shu bois, jismonan sog'lom va aqlan yetuk inson bo'lib voyaga yetishlari uchun yurtimizda barcha imkoniyatlar yaratilgan. Qalbi ummon bo'lgan ko'zimizning nuri, yuragimizning qo'ri bo'lgan bolajonlarimiz keng, yorug', zamonaviy maktablarda ta'lim-tarbiya olishmoqda. Ularga o'z kasbining fidoyi o'qituvchilari



ta'lim-tarbiya berib kelishmoqda.

Har bir avlod o'z jamiyatini ustoz-muallimlarsiz tasavvur etib bo'lmaydi. Hayotimizning go'zalligi, farovonligi, obodligi qolaversa, mukstaqilligimizni ravnaqi muallim mehnati bilandir. Muallim xalqqa ma'rifat tarqatadigan ziyolidir. Jamiyatdagi bo'layotgan o'zgarishlarni yoshlar ongiga to'g'ri singdirib, ularni ezgu maqsadlar sari yetaklaydigan ustoz murabbiydir. Muhtaram Prezidentimiz o'qituvchilarning jamiyatni nufuzini oshirish maqsadida ko'plab ishlarni amalga oshirib kelmoqda. O'qituvchi maqomi o'zgardi, ish haqi ko'paytirildi, sharoitlar yangilandi. Boshlang'ich ta'lim-ta'limning poydevori. Men rahbarlik qilayotgan sinfda o'quvchilar qisqa vaqt ichida yozish, chizish va o'qishni o'zlashtirib olishdi. Ochiq va namunadi darslarda o'quvchilarni faol ishtirok etib, fanlarga qiziqishi tobora ortib bormoqda. 1-"B" sinfida tashkil etilgan ochiq mashg'ulotda o'quvchilardan Bahriddinova Soliha, Hafizov Muxammed, Ashurqulova Dilnura, Shukurullayeva Mubina, Muroddullayev Samir, Abdujalilov Javohir va boshqalar faollik ko'rsatishmoqda.

Shohista NAMAZOVA,
Shahrisabz tumanidagi 8-maktabning boshlang'ich sinf
o'qituvchisi, 1-B"-sinf rahbari

МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТЛАР ОРҚАЛИ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАЙЛИК

Тарбия соҳасидаги миллий урф-одатларимизни ўрганишга ҳозирги кунда катта эътибор берилмоқда. Жумладан, ота-қўрмат тарзи уларок, ота уйда ўтирс фарзанд ботиниб шу уйнинг томига чиқмаган.



Ёшларнинг фазилати, инсонийлиги, одобилиги, аввало бошқалар билан бўлган муносабатларида ёрқин ифодаланади. Ўзбек халқининг меҳнатсеварлик, она ерига чексиз муҳаббат, меҳмондўстлик, катта ёшдагиларни иззат-хурмат қилиш, нонни, сувни эъзозлаш билан боғлиқ жуда кўп қадимий урф-одатлари ҳозир ҳам ҳаётий мазмунга айланган. Масалан, ўтмишда ариқ сувларига ифлос нарсаларни ташлаш катта айб саналган. Ноони эъзозлаш одати ҳам қадимдан мавжуддир. Халқимиз доимо нонни қадрлашни, ушогини ҳам увол қилмаслиқни ёшлиқдан фарзандларига ўргатишади. Шунинг учун ҳам муқаддас ва мўътабар таом нон шаънига жуда кўп мақоллар, шеърлар, ҳикоялар битилган. Шу нарсани ишонч билан айтишимиз мумкинки, миллий урф-одатларимиз орқали ёшларни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Қайсики ўтмишимиздаги унутиб бўлмайдиган урф-одатлар ва анъаналаримизни ўсиб келаётган ёш авлод онгига сингдириш, уларнинг маънавиятини янада юксалтирадиган. Алоҳида олийжаноблик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, дўстлик, қардошлиқ сифатларини, миллий ҳис-туйғуларини мукамаллаштирадиган.

Ўқувчиларда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизга ҳурмат туйғуларини кучайтириш орқали улар онгига меҳр-оқибат муносабатларини ошириш жуда муҳим.

Мен фаолият олиб бораётган Қарши туманидаги 2-мактабда ўзим машғулот олиб борадиган бошланғич синф ўқувчиларига эрта ёшданок урф-одатларимиз ҳақида ҳаётий маълумотлар бериб ўтаман. Айниқса ўқувчиларимга она тилидан "Тушум келишиги", математика фанидан "Нол билан тугайдиган кўп хонали сонга кўпайтириш" мавзусидаги очик дарсларимда ўқувчиларим фаол иштирок этди. Уларнинг фанларга бўлган қизиқиши ва ўзлаштириши юқори эканлигидан шодман.

Севара ҲАСАНОВА,
Қарши туманидаги 2-мактабнинг бошланғич синф
ўқитувчиси

ХУШЎРЛИК ВА ОГОҲЛИККА БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимизда маънавий-маърифий муҳитни янада барқарорлаштириш, аҳоли, айниқса, ёш авлодни турли бузғунчи ғоявий ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда маънавий-маърифий муҳитни янада барқарорлаштириш, аҳоли, айниқса, ёш авлодни турли бузғунчи ғоявий ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, хушёрлик ва огоҳликка даъват этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шаҳрисабз туманидаги 33-сонли мактабимизда "Хушёрлик ва огоҳликка барчамиз масъулмиз" мавзусида ташкил этилган очик ва нунали дarsда оммавий таҳдидларнинг асл мақсади, бундай салбий иллатларнинг ёшлар тарбиясидаги таъсири, миллий қадриятларнинг баркамол авлод камолотидаги ўрни каби мавзулар юзасидан фикр юритилди. Таъкидланганидек, обод кўчалар, кун сайин чирой очаётган маҳалла, янгидан-янги бунёд этилаётган замонавий, кўркам биноларни кўриб, беихтиёр дилдан шукроналик ҳисси ўтади. "Шундай ёруғ кунлар қадрига етишимиз зарур! Тинч, мусаффо юртимизга кўз тегмасин", деймиз. Ана шундай вазиятда огоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз, ўз уйимизни, муқаддас тупроғимизни кўз қорачиғидек асрашимиз, келажак авлодларга обод ва озод Ватан қолдиришимиз тўғрисидаги қуюнчаклик билан ўқувчиларга таъкидланиб, ҳар бир ватандошимиз жон-дили билан амалга оширишга интилиши, дунёга уйғоқ қалб, теран тафаккур кўзи билан боқиб, ҳаққоний хулосалар чиқармоғи даркордир.

Ўқувчилар тенгдошларини ўз фикрига эга, турли маънавий хуружларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш йўлида маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий ахборот ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамиятимизнинг мафкуравий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали услублардан изчил фойдаланиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалар эканини қайд этдилар.

Муниса РЎЗИКУЛОВА,
Шаҳрисабз туманидаги 33-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси



14 ЯНВАРЬ - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Маълумки, Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз мудофаасини кучайтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. 1993 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарори билан «14 январь – Ватан ҳимоячилари куни» деб белгиланди. Ватан ҳимоячилари кунини нафақат ҳарбий хизматчилар, балки айни вақтда армия сафларида ўз бурчини ўтаб қайтган ватандошларимиз ва эртага хизматга борадиган минг-минглаб навқирон йигитларнинг байрами, деб қабул қилинган. Ушбу байрам муносабати билан ҳар йили юртимизда тантанали тадбирлар ўтказилади.

Мамлакатимизнинг мард, шижоатли, ўқтам йигитлари армия хизматидан заҳирага бўшатирилганларидан кейин ҳам ҳарбий хизматдаги каби ғайрат-шижоат билан юрт равнақи йўлида турли соҳаларда фидокорона масъулият билан меҳнат қилмоқдалар. Ватан ҳимоячилари кунини республикаимиз бўйлаб кенг миқёсда, тантанали равишда "Ватан улуғ – бурчим муқаддас!" умумий шиори остида нишонланиши халқимизнинг ўз армиясига нисбатан чексиз ҳурматини англатади. Ушбу байрамнинг нишонланиши халқимизнинг ўз миллий армиясига нисбатан чексиз ҳурматини, алп йигитларига нисбатан ифтихорини билдиради.

Албатта ҳар битта эркак ўз касби ва характериға қарамасдан, табиатан Ватан ҳимоячисидир. Инсониятнинг барча энг юксак ва кучли томонларини жамлаган ҳолда, сизнинг яқдиллигингизни, бир сўзлик-гингизни идрок ва кучингизни, тиргак ва суянч эканлигингизни қадрлаймиз. Ахир Сиз Ватан ҳимоясида Посбондирсизлар!

Адолат ДИЁРОВА,
Чироқчи туманидаги 162-мактаб директори

ҒАЙРАТИ ҲОЗИР ҲАМ БОР...

Бахтиёр Ҳайитов Деҳқонобод туманидаги 7-мактабнинг та-рих фани ўқитувчиси.

Тарих фани ўқитувчиси сифатида фаолият олиб бораётган Б.Ҳайитов ўқувчилик йилларида келгусидаги фаолиятини мактабда, ўқувчилар билан бирга эканлигини кўрди. Малакали мутахассис бўлиб етишиш учун ўқишга кирди ва уни муваффақиятли тамомлади.

Салкам 28 йилдан буён фаолият олиб бораётган Б.Ҳайитов учун ана шу йиллар Бахтиёр аканинг ҳаёт зарварақларини безайдиган йиллар бўлди. Шу йиллар мактабдаги ўқитувчиларнинг салоҳият даражаси ошди, кўргазмалари қуроллар, ўқитишнинг ноанъанавий усуллари кенг жорий этила бошлади. Ўқувчиларнинг ҳам саводхонлик ва ўзлаштириш даражаси кўрсаткичлари юқори бўлди. Тинмай меҳнат қилиш ва изланиш самарасини кўрсатмасдан қолмади. Ўқитувчилар ўртасида намунали дарсларни фақатгина фан ойликларида эмас, мунтазам ташкил этиб бориш, ёш мутахассисларга малакали, тавжрибали ўқитувчиларни бириктириш, фанлар ўртасидаги боғлиқликни оширишда ҳам эътибор қаратилди. Бу ишларнинг барчасига Б.Ҳайитов бош-қош бўлмоқда.

Устозлар ҳақида ёзиш, фикр юритиш катта масъулият талаб қилади, албатта. Унинг фазилатларини қозоғга бир-бир туширар экансан, дилингдаги ҳаяжон ҳеч босилмайди. Бахтиёр аканинг ташаббускорлиги жамоада юксак қадрланарди. Жамоада ўз ўрнига эга бўлган устоз Б.Ҳайитов ҳақида ҳамма бирдек илиқ фикрлар айтишарди.

Ҳа, биз бугун муаллимимизни ана шундай буюк инсонларни етиштирувчи закий зот деб биламиз.Унинг қаршисига ҳурмат билан чиқамиз. Гуллар тутиб қўлига, қадрлаймиз. У бизга, мурғак қалбимизга илм нурларини сочувчи, ташна қалбимизга илм- фан сирларини сингдирувчи, катта ҳаёт йўлига олиб чиқувчи сарбон муаллимдир. Мактабда ўқиб юрган пайтларимизни бир сония ёдга олайликда, ҳеч кимга айтмаган сўзларимизни муаллимимизга айтганмиз. Уни ўзимизга сирдош билганмиз. Негадир, она, ота ўрнида кўрганмиз. У бизга тўғри йўлни кўрсатган. Унинг меҳри, табассуми ҳамон бирдек. У ўз ўрнида қаттиққўл, талабчан. Шу жиҳатида ҳам тан берганмиз. Акс ҳолда ёш ўғил- қизлар талтайиб кетиши мумкин бўларди-да. Синфдаги интизом барчага баробар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам чароғбонимиз муаллим. Бугун, қанчадан қанча ёшларга илм сирларини ўргатган, фидойи муаллимлар ҳаётига бир назар ташламоқчи бўлсак, қизиги шундаки, Б.Ҳайитовнинг ҳам устозлари бор, шогирдлари бор. Ширин, аҳил оиласи бор.

Инатилла БАТОШЕВ,
Қашқадарё ВХТХҚТМОҲМ катта ўқитувчиси

Юртимизда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, фаол тадбиркорлик, инновацион гоёлар ва бунёдкорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш орқали аҳолига муносиб ҳаёт шароитларини яратиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, бандликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда ҳар бир оилада тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолининг ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзли кредитлар ажратиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳар бир босқичида мутасадди идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилиши таъминланмоқда. Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ва бу орқали янги иш ўринларини яратиш, бандликни таъминлаш, ўз меҳнати билан даромад топиш истагида бўлган фуқароларга амалий ёрдам кўрсатиш, ҳамда имтиёзли кредитлардан оқилона фойдаланиш имконияти яратади.

Жойларда оилавий тадбиркорликка кўрсатиладиган хизматлар кўламини тубдан кенгайтириш, тадбиркор оилаларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари савдосини ташкил қилувчи бозор инфраструктураси объектлари хизмат кўрсатиш ва сервис шаҳобчаларини барпо этиш, қишлоқ ва маҳаллаларда бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш орқали аҳоли учун қўшимча иш ўринлари ва даромад манбаларини яратиш, вақтинчалик молия-ҳўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ҳамда давлат рўйхатидан ўтмасдан фаолият юритаётган тадбиркорларни аниқлаб, улар фаолиятини тиклаш ва қонунийлаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Президентимизнинг қарор ва фармонларида асосий эътиборни оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ундайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғинга айланиб бормоқда. Тадбиркорлик учун янада қулай шароит яратиб берилганлиги иқтисодийётимизда кичик бизнес улушини янада орттиришига хизмат қилади.

Фахриддин ХОЛОВ,
Нишон туман статистика бўлими етакчи мутахассиси

КИЧКИНТОЙЛАРНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Фарзандларнинг тани соғ, ақли расо бўлиб улғайиши ҳар бир ота-онанинг қалбига қувонч, бир олам орзу-ҳавас, ҳаётларига хотиржамлик бахш этади.

Бунда албатта, мактабгача таълим муассасаларининг хизмати катта. Китоб туманидаги 23-сон ДМТТ ҳам кичкинтойларнинг сеvimли масканига айланган. У ерда болажонлар ўрта, катта, мактабга тайёрлов сингари гуруҳларда таълим-тарбия олмақда. Бунда малакали тарбиячилар Ҳидоят Шаропова, Лола Эшназарова, Майсара Мирзаева, ёрдамчи тарбиячилардан Муқаддас Боева, Севара Эргашева, Маъмура Ахматова, ошпазлар Гулноза Гулноза Саидова, Ибодат Очилова, ҳамшира Гўзал Эшмирзаевалар мурғак қалбларни такомиллаштирилган «Болажон» давлат дастури асосида тарбиялаб, сабоқ бериб келмоқда. Шунингдек, МТМ да ўтказиладиган эрталабки спорт машғулотлари, мусикий дастурлар ҳам жажжи ўғил-қизларга олам-олам завқ бағишлаб, улар камолотига хизмат қилаётир. ДМТТ директори Ҳабиб Комиловнинг айтишича муассаса туманнинг Обиканда маҳалласида жойлашган бўлиб, ўткан йилнинг 1 июнида фаолиятини бошлаган.



Азим ЭШОНКУЛОВ

КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ОИЛАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ ТЎЛОВЛАРИНИНГ МИҚДОРИ ЎЗГАРДИ

2021 йилнинг 11 август куни Президентимиз бола тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган муҳим ҳужжатни имзолаганди. “Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда камбағаллик билан курашиш кўламини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонда ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож оилалар моддий таъминотини кучайтиришга доир қатор масалалар ўз ифодасини топган.

Фармон матни билан танишар эканманмиз, унда 1 сентябрдан бошлаб 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ҳамда бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш нафақаси ўрнига кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси жорий этилишини ўқиб, мамлакатимизда ҳеч бир фуқаро давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда эмаслигига, янги Ўзбекистонда инсон қадри ва унинг манфаатлари ҳамма нарсадан устун эканлигига амин бўламиз. Масалан, биргина болалар нафақасини тайинлашда инobatга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача, тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача оширилиши, унинг миқдори эса оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб белгиланиши қанчадан-қанча ота-оналарни мамнун этди, тўлқинлантириб юборди.

Якка-ёлғиз бўлган фуқароларга, фарзанди бўлмаган ёки барча фарзандлари 18 ёшдан катта бўлган кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинланиши ҳамда 1 сентябрдан бошлаб болалар нафақаси ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўловларининг миқдорлари белгиланиши қўллаб оилаларнинг дилидаги гап бўлди. Фармонда 2021 йил 1 сентябрга қадар тайинланган 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола 2 ёшга тўлгунига қадар уни парвариш қилиш на-

фақаси, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тўлаш муддатлари тугагунигача, мазкур турдаги нафақалар ва моддий ёрдамнинг амалдаги миқдорлари ҳамда уларни тўлаш муддатлари сақлаб қолинини ҳам назарда тутилган. 2021 йил 1 октябрдан бошлаб эса “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган оилалар ва шахслар тўғрисидаги маълумотлар манфаатдор вазирлик ва идораларга “Электрон ҳукумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали тақдим этилиши белгиланди.

Албатта, жараёнга жиддий ёндашув бежиз эмас. Чунки бола тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож оилалар моддий таъминотини кучайтириш энг асосий масалалардан биридир. Ушбу фармоннинг сўзсиз ижроси эса эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартиришга хизмат қилади. Шу жиҳатдан унинг аҳамиятини аҳоли орасига кенг тарғиб қилиш, жойларда унинг ижросини ташкил этишда фаол иштирок этиши-миз лозим.

З.ХОДЖИМУРОТОВ,
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
Шаҳрисабз туман бўлими бошлиғи

ТИЛ БИЛГАН – ЭЛ БИЛАДИ

Замонамиз шиддат билан ривожланиб, тараққий этиб бормоқда. Давр билан ҳамнафас яшайтган, ўзини зиёли, деб ҳисоблайдиган ҳар бир киши камида 2 тадан чет тилини билиши керак. Шахс камолоти нафақат ўзи учун, балки давлат ва жамият тараққиётининг равнақи учун ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Бу нуқтаи назарга бугунги кун нигоҳи билан ҳам, буюк аждодларимизнинг тил ўрганиш ҳақидаги ёндашувларида ҳам кўришимиз мумкин. Жумладан, шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур комил шахс сифатида воёга етгунга қадар барча туркий тилларни ўрганишга эришган.

Ёш даврлари психологиясига кўра, бола 3-5 ёшдан чет тилларини ўрганиши мумкин. Мактабгача тарбия ёшидаги боланинг тафаккури аниқ тафаккур бўлиб, у нималар идрок этса ёки тасаввур қилса, ўша нарсалар ҳақида фикр юритади. Бундан келиб чиқади-

ки, 3-5 ёшдаги болаларга расмлар, яъни кўргазмалар воситалар ёрдамида чет тилини қисман ўрганишлари имконият яратиш-шимиз мумкин.

Халқимизда: «Тил билган – эл билади», -деб бежиз айтилмаган. Шундай экан, фурсат борида тил ўрганишга киришмоқ керак. Чет тилларнинг янгича методда ўқитилиши юртимиз равнақида гоёт муҳим ўрин тутди. Маълумки, бугунги кун техника тараққиёти даврида ҳар бир ёшлар учун келажакда муносиб касб эгаси бўлиш учун чет тилларга бўлган талаб-эҳтиёж ошади. Тил кўник-

малари интеграцияси CEER меъёри бўйича тил ўрганишнинг тўрт кўникмаси: ўқиш ва ёзиш, сўзлашиш, тинглаб тушуниш бўйича кўникмаларни интеграллашган ҳолда ривожлантиришга хизмат қилади, шунингдек, нутқ амалиётида алоҳида урғу бериллади.

Европа Кенгашининг “Чет тилини эгаллаш умумевропа компетенциялари: ўқитиш, ўрганиш ва баҳолаш” тўғрисидаги умумэтироф этилган халқаро меъёрлари (CEER) бўйича чет тилларини босқичма-босқич C1 даражасига етказиб, амалда қўллашда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Зухра ЗУЛФИҚОРОВА,
Қарши МИИ Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ ДАВР ТАЛАБИ

Ҳозирги даврнинг долзарб масалаларидан бири хорижий тилларни ўқитиш орқали ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ғурур, юксак ахлоқ ва маънавият, қадимий ва бой меросимизга ифтихор туйғуси, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашдир. Жаҳон таълим тизимидаги туб ислохотлар талабаларнинг чет тилларни мукаммал ўрганишлари, барча соҳаларда чет тилини билган ҳолда ўзларини намoён эта олишлари учун зарур шарт- шароит яратиш бериш, уларнинг хорижий тилда oғзаки ва ёзма нутқларини ривожлантириш муаммоларини илгари сурмоқда.

Республикамиз таълим тизимини ислоҳ қилишда хорижий тажрибаларга асосланган халқаро стандартларга мос келувчи ўқув дастурлари билан мувофиқлаштириш олий педагогиктаълим тизимини такомиллаштиришга асос бўлди. Ўзбекистон шароитида миллий минталитетимиз, урф-одатларимизни инobatга олган ҳолда хорижий тажрибалар асосида таълим сифатини тубдан ислоҳ қилиш давр талабидир. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизда “...таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро

стандартларини жорий қилиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий тадқиқотва инновацион фаолиятни рағбатлантириш, илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга жорий қилишнинг самарали механизмларини яратиш...”, кадрлар тайёрлашнинг сифат даражасини ошириш, халқаро стандартлар асосида малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шарт- шароитларни яратиш, ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик aloқалари ўрнатиши ва талабаларнинг креативлик қобилиятларини ривожлантириш, ёшлар аудиторияси билан иш олиб боришда интерфаол усуллардан самарали фойдаланиш, уларга чет тилидан сифатли таълим бера олиш, олий таълим даражасини намунали босқичга олиб чиқиш ва тубдан такомиллаштириш асосий вазифалар сифатида белгиланди.

Шу боис республикамиз олий таълим тизимида бўлажак кадрларни ишлаб чиқариш ва илмий мақсадлар учун зарур бўлган ахборотни топиш жараёнида мутахассислик бўйича оригинал адабиётни ўқиш, хорижий тилдаги oғзаки мулоқотда иштирок этиш кўникмасини шакллантириш мақсадида чет тили дарслари ўтилмоқда.

Юлдуз ЖЎРАЕВА,
Қарши МИИ Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР САМАРАСИ БЎЛСИН....

Хозирги глобаллашув, минтақа ва давлатлараро интеграция жараёнлари жадаллашиб бораётган мураккаб бир шароитда коррупция чегара билмас муаммога айланди. Айтиш лозимки, коррупция келтириб чиқараётган оқибатлар жамиятларни ич-ичидан емириб, демократик ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон ҳуқуқларининг кўпол равишда бузилишига олиб келади, иқтисодий ривожланишни издан чиқаради, жамият ва давлат учун ўта хавфли бўлган уюшган жиноятчилик ва терроризмнинг кенг ёйилишига шароит яратиб беради.

Коррупция мансаб мавкеидан шахсий мақсадларда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳуқуқий ҳодисадир. Маълумки, бу иллат ҳар қандай жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишига зарар етказди. Жамиятнинг маънавий ахлоқини емиради, қонун устуворлигини кучсизлантиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг жиддий тарзда бузилишига олиб келади. Шу билан бирга, уюшган жиноятчилик, терроризм ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа таҳдидларнинг ўсишига ёрдам беради. Унинг домига илинган амалдор шахсий манфаатини давлат

манфаатидан устун қўйиши натижасида, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказди.

Қарши туман ФВБ ходимларининг ҳуқуқий савдонлигини ошириш, профилактик тадбирлар самарадорлигини ва кўламини кенгайтириш ҳақида тушунчалар бериб келинмоқда.

С.ТУРСУНОВ,
Қарши туман ФВБ бошлиғи, подполковник.
А.АЛИБОБОВ,
Қарши туман ФВБ етакчи инспектори

КОРРУПЦИЯГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Дунёда ривожланиш ва тараққиёт йўлини танлаган ҳар бир давлат энг аввало коррупция, таъмағирлик, порахўрлик каби салбий иллатларга қарши мурасиз кураш олиб боради. Акс ҳолда, бундай жирканч иллатларнинг томир отишига йўл берилса, ўша жойда тараққиёт ва ривожланиш бой берилмайди.

Республикаимизда олиб борилаётган ислохотлардан кўзланган мақсад халқимизни ҳаётдан рози қилиш ва энг муҳими, давлат идоралари бевосита халқ ичига кириб бориб, муаммолар билан танишаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Албатта бу жараёнда раҳбарларнинг масъулиятини ошириш ва ўзига билдирилаётган ишончни оқлаш ҳамда таъмағирликка йўл қўймаслик борасида кўплаб қарор ва фармонлар қабул қилинди. Биргина вилоятимизда ҳам бу борада олиб борилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан минг афсусли, айрим раҳбарлар орасида коррупцияга берилиш, таъмағирлик ҳолатлари учраб тургани кишини таъжубга солади.

Қонунларни билмаслик бирор кишини жазодан қутилишига баҳона бўлолмайди. Кимдир билиб, кимдир билмасдан деганларидек бундай салбий иллатларнинг кўчасига кириб қолганликларини сезмай қоладилар. Ачинарли томони шундаки, айрим нуфузли мансаб курсисидида ўтирганлар била-туриб коррупцияга, порахўрликка, таниш-билишчиликка берилиб кетаётгани ижтимоий ҳаётимизга жиддий хавф солмоқда.

Рафик ШОЙМАРДОНОВ,
Муборакнефтваз қазиб чиқариш бошқармаси ОБЎХТТЭБ инспектори, катта сержант

“JALOLIDDIN MANGUBERDI” FOJIASI QAHRAMONLARI TAVSIFI(OCHIQ DARS ISHLANMASI)

Darsning maqsadi:

a) ta'limiy maqsad: Maqsud Shayxzodaning hayoti va ijodi bo'yicha olingan bilimlarni mustahkamlash, o'quvchilarga Maqsud Shayxzodaning “Jaloliddin Manguberdi” dramasi haqida nazariy ma'lumotlar berish, o'quvchilarda mavzu bo'yicha bilim, malaka va ko'nikmalarni hosil qilish.

b) tarbiyaviy maqsad: O'quvchilarga vatanparvarlik, insonparvarlik, mehr-oqibat, yaxshilik, kamtarlik tuyg'ularini singdirish, ona Vatanimizga, oilasiga va ota-onasiga cheksiz mehr-muhabbat ruhida tarbiyalash.

v) rivojlantiruvchi maqsad: O'quvchilarning ilmiy dunyoqarashini, tafakkurini, asarlarni tahlil qilish hamda ifodali o'qish malakalarini rivojlantirish, erkin fikrlashga, muammoli vaziyatlar yechimini topishga o'rgatish, mavzu asosidagi bilim, ko'nikmalarini boyitish.

Kompetensiya:

Darsdan kutilayotgan natijalar – mavzuni o'zlashtirgandan so'ng o'quvchilar quyidagi bilim va ko'nikmalarga ega bo'ladilar:

1. Avvalgi darsda o'rgangan bilimlari asosida Maqsud Shayxzodaning hayoti va ijodiga oid to'liq ma'lumotlarga ega bo'ladilar.

2. Maqsud Shayxzoda tomonidan yaratilgan badiiy asarlarni bilib oladilar.

3. Maqsud Shayxzodaning adabiyotimizdagi o'rni haqida ma'lumot oladilar.

4. “Jaloliddin Manguberdi” dramasi yuzasidan mustaqil fikrlarini bildiradilar va mavzu doirasida turli topshiriqlarni bajaradilar.

5 “JaloliddinManguberdi” dramasi qahramonlariga tavsif beradilar.

Ta'lim metodlari va texnologiyalari: suhbat, “Tushunchalar tahlili” usuli, tushuntirish, ko'rsatish, namuna, eshitish, “Sahna ko'rinishi”, „Damino”

Ta'limshakllari:slaydlar asosida ishlash. Ta'lim usuli: o'yin va topshiriqlar.

Baholash metodlari: rag'batlantirish va baholash.

Axborot manbalari va texnik vositalari: kompyuter, proyektor, ekran, slayd, ko'rsatmali va tarqatma materiallar, videolavhalar, Maqsud Shayxzoda qalamiga mansub “Jaloliddin Manguberdi” dramasi dan lavhalar, rag'bat kartochkalari



Feruza RAJABOVA,
Shahrisabz tumani 8-maktabning ona tili va adabiyot fani o'qituvchisi

СЕЛ ВА СУВ ТОШҚИНИ ХАВФЛИ ХУДУДЛАРДА НАЗОРАТ КУЧАЙТИРИЛДИ

Қарши туманидаги кўчкилар, сел оқимлари ва тошқин сувлари хавфи мавжуд ҳудудларидаги хўжалик аъзолари билан режа-тадбир асосида тарғибот ишлари олиб борилмоқда.

Аҳолни сув тошқинлари ва бошқа фавқулодда вазиятларда тез-корлик билан огоҳлантириш мақсадида профилактик тадбирлар ўтказилиб, туман ФВБ инспекторлари томонидан тарғибот ишлари ўз вақтида олиб борилмоқда.

Шунингдек, туманимиз ҳудудидида сел-тошқин ва ер кўчиши хавфи мавжуд ҳудудларда яшовчи аҳолини кенг жалб қилган ҳолда махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилиб, ўқув машқларида техника ҳамда зарур воситалардан фойдаланилмоқда. Ўқув машқлари давомида тупроқ ишлари, тош ишлари, қум-шағал ишлари бажарилиши назоратга олиниб, ички ариқ ва магистрал каналлар тозаланишига эътибор қаратилмоқда.

Нурбек НОДИРОВ,
Қарши туман ФВБ ходими, капитан

ИС ГАЗИДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ!

Юртимизда қиш мавсумида ва об-ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши билан аҳоли хонадонларини иситишга бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бирок, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки: фуқароларимиз томонидан иситиш мавсуми олдидан хонадонларда ўрнатилган иситиш печларининг хавфсиз эканлигини батафсил кўздан кечирилмаслиги оқибатида аянчли ва қайғули ҳолатлар содир бўлиши шубҳасиз. Булар асосан аҳоли хонадонларидаги ёнғинлар, ҳаво-газ аралашмасининг чакнаши ёки портлаши, фуқароларнинг табиий ва ис газидан заҳарланишларидир.

Азизлар ёдингизда тутинг! Содир бўлган ёнғин, ис газидан, бахтсиз ҳодиса ва бошқа фавқулодда ҳолатларни бартараф этишдан кўра уларни олдини олиш осонроқдир.

Садриддин НАРЗУЛЛАЕВ,
Кувондиқ ҚОРАҚУЛОВ,
Қарши туман ФВБ етакчи инспекторлари

ПРОФИЛАКТИКА ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Ёнғин назорати ва профилактикаси йўналиши бўйича давлат тасарруфидаги объектларнинг ёнғинга қарши ҳолатини кўриқдан ўтказиш, камчиликлар учраса – ёзма кўрсатмалар бериш, ижроси таъминламаса, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг тегишли моддаларига асосан маъмурий жарималар қўллаш амалга оширилади.

Аҳоли хонадонларининг ёнғинга қарши ҳолати кўздан кечирилиб, мавжуд муаммолар бартараф этиш бўйича йўл-йўриқлар берилиб, ёнғинларнинг, ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот олиб борилади. Шунингдек, содир бўлган ёнғинларнинг сабаблари ўрганилади, терговга қадар текширув ишлари олиб борилади.

Фавқулодда вазиятлар давлат қўйи тизими ва фуқаро муҳофазаси фаолиятини ташкил этиш, хавфсизлик тарғиботи, ёнғин-қутқарув қисмлари йўналишлари бўйича олиб бориладиган ишлар ҳам жуда долзарб ва аҳамиятлидир. Ҳар ҳафтанинг чоршанба куни “Фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар профилактикаси куни” дея белгиланган муносабати билан амалга оширилаётган чора-тадбирлар бу борада муҳим ўрин тутди. Корхонада режа асосида “Фавқулодда вазиятлар ва ёнғинлар профилактикаси куни” тадбирлари ўтказилиб келинмоқда.

О.РАЖАБОВ,
вилоят ФВБ ОБЎХТТЭБ инспектори, катта лейтенант.
Ш.ЖЎРАЕВ,
“Шўртангазкимё мажмуаси” МЧЖ ОБЎХТТЭБ катта инспектори, майор

ЁНҒИН ХАВФ СОЛМАСИН!

Тилсиз ёв — ёнғин куз-қиш ойларида кўпроқ кузатилишини инобатга олиб, ҳар йилнинг шу даврида республикаимизда муҳим тадбирлар, ойлиқлар ўтказилиши анъанага айланган. Муҳими, ойлик доирасида корхона ва ташкилотлар, муассасалар ходимлари, умуман, барча юртдошларимизнинг фаол иштироки кузатишмоқда. Шунингдек, барча идора ва корхоналар, муассаса ва ташкилотлар, уй-жойлар ёнғин хавфсизлиги талабига мос ҳолатга келтирилади. Ўта муҳим объектларда эса комплекс чора-тадбирлар рўёбга чиқарилади. Тарғиботни янада кучайтириш мақсадида реклама воситаларидан ҳам унумли фойдаланилади.

Бундай кенг кўламли чора-тадбирлар ёнғинларнинг олдини олиш ҳамда халқимизнинг осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Ислом САЪДУЛЛАЕВ,
Муборакнефтваз қазиб чиқариш бошқармаси ОБЎХТТЭБ инспектори, катта сержант

ЭЪЛОН!

Самарқанд Ҳуқуқшунослик коллежи томонидан 2018 йилда ЛАТОФАТХОН ИЛҲОМЖОН ҚИЗИ ТЎРАҚУЛОВАга берилган К № 5359105 рақамли диплом йўқотилганлиги сабабли **БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ТРАНСПОРТ БОШҚАРМАСИГА ҚАРАШЛИ “АВТОТРАНС ҚАРШИ” ДУК ЖАМОАСИ

**БАРЧА
ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ**
**2022 йил «Инсон қадрини
улуғлаш ва фаол маҳалла
йили»**
билан ҳамда
**14 январь – ВАТАН
ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**
билан муборакбод этади.



ҚАМАШИ ТУМАН СТОМАТОЛОГИЯ ПОЛИКЛИНИКАСИ ЖАМОАСИ

(Қамаши туман стоматология МЧЖ)
БАРЧА ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ
**2022 йил "Инсон
қадрини улуғлаш
ва фаол маҳалла
йили"**
билан ҳамда



14 январь – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ
билан муборакбод этади.
Бош врач Рўзимурод ЭШДАВЛАТОВ



ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШ МУМКИНЛИГИ ҲАҚИДА ЎҚУВЧИЛАР ОҒОҲЛАНТИРИЛДИ

Об-ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши натижасида газ ва бошқа турдаги муқобил ёқилғи иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёж ортиб боради. Бундай пайтларда иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлиши ҳамда инсонлар ис газидан заҳарланиши мумкин.

Бу ҳақда Шаҳрисабз шаҳар ФВБ бошлиғи ўринбосари, майор Улуғбек Шарипов ҳамда инспектор, катта лейтенант Элбек Йўлдошевлар Шаҳрисабз шаҳридаги 18-сонли мактабда профилактик тадбир ўтказиб, ўқувчилар ва педагогик жамоага тушунчалар беришди. Мутахассислар ис газидан заҳарланиш ҳолатларида ҳаракатланиш, биринчи ёрдам кўрсатиш, зарур чораларни қўллаш, юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳолатларни олдини ҳақида маълумот беришиб, вазирлик томонидан тайёрланган видеолавҳаларни намойиш этиб, тумanning Чоршанбе кўргони Қўтчи қишлоғида юз берган бахтсиз ҳодиса тафсилотларини таҳлил этдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ

ARMIYA VA XALQ – BIR TANU BIR JON!



Bugun Respublika Ma'naviyat va ma'rifat markazi Shahrisabz tuman bo'limi, Shahrisabz tumanidagi DXX Chegara qo'shinlariga qarashli harbiy qism, tuman Yoshlar ittifoqi bo'limi bilan hamkorlikda tumandagi 68-sonli maktabda O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining 30 yilligi hamda, «Vatanparvarlik oyli» munosabati bilan «Armiya va xalq – bir tanu bir jon!» mavzusida harbiylarning ko'rgazmali tadbiri o'tkazildi.

Tadbirda so'z olganlar buyuk bobolarimizning ko'rsatgan qahramonliklarni yoshlar ongiga singdirish orqali ularni Vatanga sadoqat ruhida tarbiyalash, yurt oldidagi farzandlik burchini anglatishni, bu targ'ibot orqali har bir ota-ona, har bir fuqaroning qalbiga chuqur kirib borish, yosh avlod o'rtasida harbiy-vatanparvarlik tarbiyasini kuchaytirish har birimiz uchun ustuvor vazifa hisoblanishini alohida ta'kidlab o'tdilar.

Shundan so'ng, tadbirni badiiy qismida yoshlar tomonidan jonajon Vatanimizni madh etuvchi kuy-qo'shiqlar ijro etildi.

Ushbu tadbirni o'tkazishda tumandagi 68-maktabning Chaqiruvga qadar boshlang'ich ta'lim fani o'qituvchisi Dilshod Omonovning issasi katta bo'ldi.

**Egamshukur HAKIMOV,
Shahrisabz tumanidagi 68-maktabning
Boshlang'ich kasaba uyushma qo'mitasi raisi**

